Scientific Bulletin of Namangan State University

Volume 1 | Issue 12 Article 35

12-10-2019

# ABOUT “ALPAMISH” BYBLIONIM, NAME AND NICKNAME OF MAIN CHARACTER

Nosirjon Ulukov
*Doctor of Science, Professor of department of Uzbek language and literature of NamSU*

Barchin Yunusova
*Researcher of NamSU*

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/namdu

Part of the Education Commons

## Recommended Citation

Ulukov, Nosirjon and Yunusova, Barchin (2019) "ABOUT “ALPAMISH” BYBLIONIM, NAME AND NICKNAME OF MAIN CHARACTER," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 12 , Article 35.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/35

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

## ABOUT “ALPAMISH” BYBLIONIM, NAME AND NICKNAME OF MAIN CHARACTER

### Cover Page Footnote
???????

### Erratum
???????

This article is available in Scientific Bulletin of Namangan State University: https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/35

ISSN:2181-0427

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

# НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

2019 йил 12 сон

## “АЛПОМИШ” БИБЛИОНИМИ ВА БОШ ТИМСОЛ ИСМИ, ЛАҚАБИ ХУСУСИДА

Улуқов Носиржон,
НамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори,
филология фанлари доктори.
Юнусова Барчин,
НамДУ мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация.*** *Мақолада “Алпомиш” достонидаги Ҳакимбек ва унинг лақабини ифодаловчи Алпомиш антропонимларининг лексик-семантик, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари ёритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *ономастика, антропоним, “гапирувчи ном”, лексик асос, библионим, лингвокультурологик, поэтоним, ассоциация.*

## О БИБЛИОНИМ “АЛПАМЫШ”, ИМЯ И ПРОЗВИЩЕ ГЛАВНОГО ОБРАЗА

Улуков Носиржон,
Доктор филологических наук,
профессор кафедры узбекского языка и литературы
НамГУ
Юнусова Барчин,
Соискательница НамГУ

***Аннотация.*** *В статье освещены лексико-семантические, номинативно-мотивационные и стилистические особенности антропоним эпоса «Алпомиш» Хакимбек, а также выражающие его прозвище Алпомиш.*

***Ключевые слова и выражения:*** *ономастика, антропоним, «говорящее имя», лексическая основа, библиография, лингвокультурология, поэзия, ассоциация.*

## ABOUT “ALPAMISH” BYBLIONIM, NAME AND NICKNAME OF MAIN CHARACTER

Ulukov Nosirjon,
Doctor of Science,
Professor of department
of Uzbek language and literature of NamSU
Yunusova Barchin,
Researcher of NamSU

***Abstract.*** *The article describes Hakimbek from the epic “Alpomish” and the lexical-semantic, nominative-motivational, stylistic features of anthroponyms expressing his nickname Alpomish.*

***Key words and expressions:*** *onomastics, anthroponym, "telling name", lexical basis,*

*biblionym, linguocultural, poetonym, association.*

“Алпомиш”–жаҳон аҳамиятига эга бўлган нодир бадиий, қомусий ва илмий қадрият, чунки асарда бир халқнинг эзгу-ниятларигина эмас, бутун инсониятнинг фикр-хаёлини акс эттирувчи, она-Ватанга садоқат туйғуси, соф инсоний муҳаббат, инсонпарварлик ва байналминаллик, фаровон турмуш ва ҳуррият ғоялари илгари сурилган. Бугун бу достонни “Кишилик жамиятининг бахтли болалиги” деган юксак таърифга сазовор бўлган. “Илиада” каби жаҳон эпосининг мумтоз намуналаридан биридир, деб айтиш мумкин [1].

“Алпомиш” тил жиҳатидан ўзбек халқ тилининг бутун бойлиги ва рангдорлигини акс эттиради. Достон ўзбек халқ тилининг қанчалик ширали, қанчалик ихчам ва ўз ҳаётини ифода қилиш учун қанчалик мукаммал, бой эканини ҳам кўрсатади. “Алпомиш” достони халқ тилининг бойлигини, жозибасини, ички имкониятини–бутун бўй-бастини кўз-кўз қилган шоҳ асар.

Машҳур тилшунос Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, “Алпомиш” достонида ўзбек халқининг кўҳна ва ҳамиша навқирон тили ўзининг бутун салоҳияти билан жилваланади.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, “Алпомиш” достони ўзбек халқ тилининг хира тортмас кўзгуси, жонли халқ тилининг, халқ донолигининг жонли тарихи инъикосидир[2,27].

“Алпомиш” достонида ўзбек халқига ва тилига хос атоқли отларнинг барча типлари: антропонимлар (киши номлари, лақаблар), топонимлар (жой номлари), гидронимлар (кўл номлари), оронимлар (тоғ, дара, ғор номлари), зоонимлар (ҳайвон номлари), этнонимлар (уруғ, қабила, миллат номлари) фаол қўлланган. Мазкур атоқли отлар ўзбек халқиниг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари маҳсули сифатида, халқимизнинг тарихи, тили, маданияти, этнографияси ҳақида бой маълумотларни беради.

“Алпомиш” достонида *Ҳакимбек, Барчин, Бойбўри, Бойсари, Қоражон, Қалдирғоч, Қултой, Кўкалдош, Кўкаман, Кўкқашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, Яртибой, Алпинбий, Довонбий, Суҳайил, Товка, Ёдгор, Бодом, Ултонтоз, Кайқубод, Тойчахон, Суқсурой* каби антропоним-лар турли шакл ва вариантларда учрайди. Мазкур антропонимларнинг барчаси ўзига хос лексик-семантик, услубий хусусиятларга эга.

Асарнинг бош тимсоли Алпомишнинг асл исми Ҳакимбекдир. *Ҳакимбек* исми арабча *“билимдон, ақлли, доно, донишманд”* маъноларини англатувчи *ҳаким* сўзига исмлар таркибида қўлланувчи *бек* сўзининг қўшилувидан ясалган [3,568-569]. *Бек* сўзи *1) ҳукумдор, ҳоким, бошлиқ; 2) мустаҳкам, ҳимоя қилинган; кучли қудратли* маъноларини англатади [4,497].

Демак, Ҳакимбек исми *“ақлли, доно, билимдон, кучли, қудратли ҳукмдор, бошлиқ”* деган антропонимик маънога эга.

Достонда Шоҳимардон пири Бойбўрининг ўғлига Ҳакимбек исмини қўйганида ҳам шуни орзу қилган, истаган эди. Бу фикримизни Ҳакимбекка исм қўйиш маросимидаги Шоҳимардон пирининг қуйидаги дуолари ҳам тасдиқлайди: *“... Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлмасин, омин оллоҳу акбар”* [5,6].

Фарзандга исм қўйиш маросимининг бу тарзда амалга оширилиши Ҳакимбекнинг ҳаёт тақдирини белгилашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Қадриятларимизда қабул қилинган қоидаларга биноан фарзандга исм қўйиш удуми халқимизда осонгина бажарилмайди. Фарзанд шукронаси учун юртга зиёфат тортилади. Унга исмини узоқ умр кўрган, пири бадавлат,ували-жували, илмли, доно қария қўяди. Қўйилган исм ҳам иложи борича маънодор бўлиши лозим. Маълум бўладики, Фозил Йўлдош ўғли Ҳакимбекка исм қўйиш тадбирини қадриятларимиз асосида содир бўлганини таъкидлайди. Исм қўювчи табаррук инсон Шоҳимардон пири бўлгани учун унинг панжа-сининг изи Ҳакимбекни кейинчалик турли офатлардан, фожиалардан асра-ган. Айни пайтда унинг тақдирини Барчиной тақдири билан боғлаган [6,39].

Кейинчалик Ҳакимбек паҳлавон ва ботирлиги учун Алпомиш деб ном олади. *Алпомиш* антропонимига соф туркийча *алп* сўзи луғавий асос бўлган бўлиб, *"мард, паҳлавон киши"* демакдир.

Достонда Ҳакимбекка бу номнинг берилиши қуйидагича баён қилина-ди: *"Ҳакимдек еттига ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган он тўрт ботомон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботомон ёйни қолига ушлаб кўтариб тортади, тортиб қўйиб юборади. Ёйнинг ўқи яшиндай болиб кетади, Асқар тоғининг катта чўққиларини келиб ўтади, овозаси оламга кетди… "*

*Шунга барча халойиқ йиғилиб келиб айтди: "Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин". Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп атанди* [5,9].

Ўзбек тилидаги кўпгина исмларнинг юзага келиши миллий, диний, урф-одатлар, расм-русмлар, удумлар, эътиқот ва тасаввурлар билан узвий боғлиқ. Боланинг соғ бўлиши, келгуси бахти унга қўйиладиган исм билан боғлиқ бўлад деб ҳисоблашган. Чақалоққа берилган ном унинг тақдири, ҳаётига катта таъсир кўрсатади, исм одамнинг руҳияти, тақдирини ўзида мужассам қилади, киши ўз номига ўхшайди, деб ишонишган. Шу боис аксарият исмлар эзгу орзу-истакларни ифодалайди. Бу адабий тимсол-ларнинг исмларида янада ёрқинроқ кўринади. Аксарият тимсоллар исми тасвирланаётган ғоя, мавзуга мутаносиб бўлади, аникроғи, асардаги тимсолларнинг исмлари ҳам ўз мазмун-моҳияти билан бадиийлик таший-ди. Чунончи, "Алпомиш" достонинг бош қаҳрамони паҳлавон, бақувват, қудратли, қўрқмас бўлганлиги боис Алпомиш дея аталгани каби.

"Алпомиш" достонини ўқир экансиз, халқ Алпомишни *"ўтга солса ўтмас, милтиқ отган билан ўқ ботмас"* баҳодир, паҳлавон қилиб ярат-ганлигининг шоҳиди бўласиз. Ономастикада "гапирувчи номлар" деган термин мавжуд. Гапирувчи номлар, исмлар шаклу шамойили билан ўзининг маъно хусусиятига ишора қилади. Ўзи атаётган шахс, нарса-буюм, воқеа-ҳодиса ҳақида ёрқин тасаввурлар беради. *Алпомиш* антропоними ҳам шундай номлар сирасига киради. *Алпомиш* антропоними ва *Алпомиш* тимсолида шакл-мазмун уйғунлиги, тил ва ҳаёт мутаносиблиги кўринади. *Алпомиш* исмига мос равишда достонда паҳлавон

тимсоли сифатида гавдаланади. Достоннинг бошидан сўнггига қадар у ўз баҳодирлигини намойиш этади. Бу унинг Қалмоқ элига қилган сафарида, Барчиннинг шартларини бажаришида яққол кўринади. Шу боис бўлса керак, мазкур қаҳрамонлик достони ҳам “Алпомиш” деб аталган, яъни Алпомиш антропоними асар номи–библионим даражасига кўтарилган, атоқли отнинг бир туридан яна бошқа бир тури ясалган.

*Алпомиш* антропоними ўзбек лингвомаданиятида номус ва орият, алплик, баҳодирлик, бақувватлик эталони сифатида қабул қилинган. Шу сабабли кейинги даврда ушбу антропонимдан бадиий матнда *“ўзбек халқи-нинг гурури, ўз элининг мард ҳимоячиси”* ассоциацияларини ҳосил қилишда фойдаланилмоқда. Бунда ***Алпомиш*** поэтоними ономастик метафорани ҳосил қилиб, бадиий мазмун экспрессивлиги учун хизмат қилади [7,17].Бу биргина Муҳаммад Юсуфнинг бир неча шеърларида кузатилади: ***Алпомишлар*** *туғилажак, Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо* (М.Юсуф. Ўзбекмомо).

Ёки:

*Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,*
*Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас.*
*Қаторингда ботирларинг бўлсин оғмас,*
*Гуркирасин* ***Алпомишлар*** *ўтган тупроқ,*
*Иншооллоҳ!* [8,10].

Алпомиш антропонимигина эмас, асардаги ҳар бир исм ўзига хос луғавий асоси ва маъносига эга.

**References:**


1. Jo‘raev M. Dostonlar dostoni // Toshkent oqshomi, 1999, 20 oktyabr, 122-son.
2. Mahmudov N. Til.–Toshkent: Yozuvchi, 1998.
3. Begmatov E. O‘zbek ismlari ma’nosi.–Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 1998.
4. O‘zbek tilinig izohli lug‘ati.–Moskva: Rus tili, 1981.–I jild.–
5. Alpomish.–Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va sanat nashriyoti, 1979.
6. Madaev O. Alpomish.–Toshkent: Ma’naviyat, 1999.
7. Xudoyberganova D., Andaniyazova D. O‘zbek tili poetonimlarining izohli lug‘ati.–Toshkent: Turon zamin ziyo, 2016.
8. YUsuf, Muhammad. Ulug‘imsan, Vatanim.–Toshkent: O‘zbekiston, 2012.

# МУНДАРИЖА


## ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
## 01.00.00 ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
## PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M.…………………………………………………………………………… 3

2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E.……………………………………………………………………. 6

3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И.………………………………………………………………......... 10

4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O.……………………………………………………………………......... 15

5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш ………………………………………………………... 20

## КИМЁ ФАНЛАРИ
## 02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
## CHEMICAL SCIENCES

6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари, ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С.…………………………………………………………………………… 27

7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A……………………………………...... 39

## БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
## 03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
## BIOLOGICAL SCIENCES

8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 генни g.hirsutum туридаги функсясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т………….. 46

9 Кўҳитанг тизмаси флораси таркибидаги *ziziphora* l. туркуми турларининг биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И ……………………………. 50

## TEXNIKA ФАНЛАРИ
## 05.00.00 ТЕХНИИЧЕСКИЕ НАУКИ
## TECHNICAL SCIENCES

10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т.……………………………………………………………………....... 54

## ТАРИХ ФАНЛАРИ
## 07.00.00 ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
## HISTORICAL SCIENCES

11 XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar
Mamasaidov L. P.......................................................................................... 60

## 09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ PHILOSOPHICAL SCIENCES

12 Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rni
Mamatov O.V.......................................................................................... 64
13 Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси
Шадиметова Г.М .......................................................................................... 67
14 Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши
Кадирова Д.С.......................................................................................... 72
15 Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти
Нуруллаева З.С.......................................................................................... 78
16 Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви
Кодиров Н.М.......................................................................................... 83
17 Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида
Хандамова М.......................................................................................... 93
18 Полифункционаллик халқ қабулхоналарининнг ўзига хос хусусияти сифатида
Айтбоев М.Ю.......................................................................................... 99
19 Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари
Абдуллаева Н.......................................................................................... 103
20 Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари
Ходжаев С.Б.......................................................................................... 108
21 Боҳарзий ва унинг вақф ерлари
Норова М.Ф .......................................................................................... 113
22 Туркистон "Янги усул" мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари
Намазова Ю.М.......................................................................................... 121
23 Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси
Хужаев М.И.......................................................................................... 126

## 10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES

24 The Role of stylistics in linguistics and literature
Umrzaqov I. I.......................................................................................... 133
25 Девону Луғотит Турк" асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид лексемаларнинг семантик хусусиятлари
Розикова Г.З.......................................................................................... 136
26 O'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi
Rahmatullayev.Y.......................................................................................... 142
27 Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти

Абдиева С.М.…………………………………………………………………........ 146
28 Qo’shma gaplarda shakl va mazmun
Ahmedova N.Sh.……………………………………………………………….... 151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках
Каримова В.…………………………………………………………………...... 156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi
Babaxanova D.A.……………………………………………………………….... 163
31 Йўл мотиви ҳақида
Қўчқаров О.……………………………………………………………………… 169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши
Юсупова Ш.Т.…………………………………………………………………... 173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари
Najmiddinov J,Bahodirov A.……………………………………………………... 179
34 Johann Wolfgang Gyotening "Yosh Verterning iztiroblari"romanida poetonimlar talqini
Bozorova R.Sh.............................................................................................................. 182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида
Улуқов Н, Юнусова Б.…………………………………………………………… 186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар
Дарвишов И.Ў.…………………………………………………………………… 190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida)
Saidaxmedova O.I.……………………………………………………………....... 197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд
Самандаров . Ш.С.………………………………………………………......... 202
39 Принцип вежливости в речевом общении.
Саидова М.Ш,Холматова Г.И.………………………………………………..... 205
40 Адабиёт ва прагматика
Раҳимов У.Э,Махаммаджлонов Н.Д.…………………………………………….. 209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш
Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.………………………………………………….. 214

## 11.00.00 ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
## ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
## GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси
Солиев И.Р., Ғуломжонов Д.……………………………………………………… 219

## 13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
## PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюззивного образования
Сатторов М,А.…………………………………………………………………….. 225

44 Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси
Эргашев Б.Б.......................................................................................... 229
45 Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари
Ниязова Н.А.......................................................................................... 234
46 Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари
Жуманов А.А.......................................................................................... 237
47 Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари
Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.......................................... 242
48 Физика ўқитувчиларининг таьлимга инновацион ёндашуви
Бекназаров З.Ф.......................................................................................... 245
49 Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели
Даминов О.О.......................................................................................... 250
50 Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари
Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.......................................................................................... 257
51 To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan
Avulchaeva F.......................................................................................... 261
52 The significance of cultural awareness in second language learners' classroom
Umirzakova D.A.......................................................................................... 264
53 Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari
Jo'rayeva T.U,Shamirova Y.K .......................................................................................... 268
54 Role of peer observation in foreign language teaching
Jalolov Sherali, Botirova Z.X.......................................................................................... 274
55 Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish
Yunusova Y.B.......................................................................................... 278
56 Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари
Назаров А.Т.......................................................................................... 281
57 "Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш"
Махкамов А.Ю.......................................................................................... 284
58 Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари
Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.......................................................................................... 288
59 Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш
Ибрагимова Г.Н.......................................................................................... 293
60 8-синф физика курсининг "электр заряд. электр майдон" бобини ўқитиш
Зохидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.......................................................................................... 298

61 Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш
Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С…………………….. 303
62 Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари
Раҳимова М.А……………………………………………………………………………. 311
63 Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари
Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё……………………………………………………………. 317
64 Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари
Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т………………………………………………………………. 323
65 Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида
Эшназарова М.Ю…………………………………………………………………………. 327
66 Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари
Қодиров М.М……………………………………………………………………………….. 332
67 Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари
Йўлдашева Д, Буважонова М………………………………………………………………. 338
68 Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти
РустамоваД………………………………………………………………………………… 341
69 Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг ахамияти
Ўринова Ф, Сидикова З…………………………………………………………………… 344
70 Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики.
Отабаева Ф.Т……………………………………………………………………………. 348
71 Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi
Mo'minova G, Insapova G,………………………………………………………………. 355
72 Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси
Мўминов З.О……………………………………………………………………………. 359
73 Innovatsiya ta'limning muhim elementidir.
Madaminov F.Sh…………………………………………………………………………. 367
74 Intellektual kompyuter o`yinlari yordamida individual matematik ta`limni yo`lga qo`yish
Najmiddinova . H.Y………………………………………………………………………. 373
75 Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари
Сатиев Ш.К ……………………………………………………………………………… 378
76 Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш.
Қамбаров М.М …………………………………………………………………………... 384

77 Содержание и структура учебников по методике обучения языкам
Габдулхаков, Фарид Ахунович…………………………………………………………… 391

19.00.00 **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**
**PSYCHOLOGICAL SCIENCES**

78 Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари
Ортиқова З.Н.............................................................................................................. 395

22.00.00 **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
**СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**
**SOCIOLOGICAL SCIENCES**

79 Маънавий тарбия ва тарихий онг
Махкамов Қ.О…………………………………………………………………….…..... 398